



# FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Д. Норматова

Фарғона Давлат Университети доценти

## МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДАИНГА МУНОСАБАТНИНГ ЎЗГАРИШИ

### Аннотация

Мақолада мустақиллик туфайли дин, диний ташкилот ва диндорларга давлатнинг муносабатини ўзгариши таҳлил қилинган. Шунингдек, Ўрта Осиёнинг забардаст олимларининг диний ғоялари, диний манбалари ва уларнинг шу соҳада амалга оширган ишлари ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** дин, диний ташкилот, диний қадриятлар, миллий маданият, маънавий қадрият, фикҳ, муҳаддислар, тарихий мерос, ижтимоий ҳаёт, муқаддас манбалар.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгандан сўнг дин, диний ташкилот ва диндорларга бўлган давлатнинг муносабати тубдан ўзгарди. Бу ўзгаришларнинг моҳиятини теран англаб этиш учун собиқ шўро даврида динга ва диний қадриятларга нисбатан бўлган салбий муносабатни билиш кишини ўйлаш ва фикр юритишга, мустақилликнинг қадрини ва аҳамиятини англашга ундейди. Олиб борилган тарғибот ва ташвиқот ишлари натижасида диний қадриятлар, диний-маъмурий обидалар, улуғ алломалар мангу уйқуга кетган мақбаралар қаровсиз, ташландиқ ҳолга келиб қолган эди. Бунга истаганча мисоллар яқиндаги ҳаётимиздан келтириш мумкин.

Ўтган йиллар давомида мустақиллик биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият бўлиб, миллий ўзлигимиз ор-номусимиз, ғуур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва мэрраларимизнинг ҳаётбахш манбай сифатида шу муқаддас заминда яшаётган барча ватандошларимиз қалбидан мустаҳкам ўрин



эгаллади. Халқимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, мамлакат ўтмишига, бой тарихий меросига, маънавий қадриятлари ва анъаналарига бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Маълумки, собиқтузум даврида миллатимиз ва меҳнатсевар халқимизни камситувчи, бузиб кўрсатилган тарихий ҳақиқатлар тўла қайта тикланди, миллатимизнинг минг йиллик анъаналари, расм-русумлари, урф-одатлари ҳамда байрамлариқайта тикланди. Азиз авлиёларимизнинг қаровсизликдан нураб, деярли йўқ бўлиб кетиш арафасига келиб қолган мақбаралари, мұқаддас жойлар, қадамжолар, масжид ва мадрасалар, маданий ёдгорликлар таъмирланди.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши миллий маданиятимиз тарихини ўрганиши, у ҳақда холосона фикр билдириш борасида катта имкониятлар яратди. Осориатиқаларимизни асраш, миллий қадриятларимизни тиклаш, қадимий бой тарихимизни тўлақонли ёритиш имконияти туғилди.

Марказий Осиёга VII асрда кириб келишни бошлаган ислом дини VIII-IX асрларда ўзининг илмий ривожланиш даврини ўтади. Хусусан, IX асрда Марказий Осиёда ҳадис илми гуллаб-яшнади. Юртимиздан етишиб чиқкан Имом Бухорий (810-870), Имом Термизий (824-825), Имом Доримий (794-869) каби муҳаддислар ислом оламида тан олинган. Куръони каримдан кейинги иккинчи ўринда турувчи ҳадис тўпламларини туздилар. Арабистон ярим оролидан Хурросон орқали кириб келган ислом илмлари Мовароуннахр уламолари, диний мутафаккирлари томонидан ривожлантирилиб, ўзининг юқори чўққисини эгаллади. Имом Бухорий “ал-Жомеъ-ас-саҳих,” Имом Термизий ва Имом Доримиylар “Сунан” ҳадис тўпламларини туздилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, VIII-XII асрлар мобайнида Мовароуннахрда 3000дан ортиқ кўзга кўринган муҳаддислар яшаб фаолият юритганликларини ўзи шуни яққол тасдиқлайдики, бу даврда исломий илмлар ниҳоят даражада ривожланган ва тараққий этган[1]. Ҳадисшунослик билан бир қаторда фикҳ илми ҳам ривож топди. Абу Ҳанифа илгари сурган ислом ҳуқуқидаги эркинлик тамойиллари ўлкамиздан чиқкан “Шамсул Аимма”-Сарахсий (1009-1094), Бурхониддин Марғиноний (1123-1197) каби уламолар томонидан такомиллаштирилди.

Имом Мотрудий (870-944) ва Абу Ҳафс Насафий (1068-1142) каби олимлар ҳанафий мазҳаби асосчисининг ислом ақидасига оид таълимотларини ривожлантириб, мукаммал ҳолатга келтирдилар[2]. IX-XI асрлар эса ислом фалсафасининг ривожланиш даври бўлди дейиш мумкин. Бу соҳада ҳам Марказий Осиёлик алломаларнинг ҳизматлари катта эди. Жумладан, Шарқда “Муаллими соний” (Иккинчи муаллим) номини олган Абу Наср Форобий (873-950) ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” асарида идеал жамият кишиларининг қандай фазилатларга эга бўлиши лозимлиги ҳақидаги фикрларини илгари сурди. Юнон фалсафасини мукаммал ўрганиб, унга монанд равишда ислом фалсафасини ривожлантирган Абу Али ибн Сино (980-10370) табиий фанлар бўйича ҳам жаҳон фани хазинасига ўзининг бебаҳо ҳиссасини қўшди.

Абу Райхон Беруний (973-1048) ўзининг Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, “Хиндистон”, “Минералогия”, “Сайдана”, “Қонуни Маъсудий” каби асарлари орқали ўз даврига қадар яшаб ўтган олимларнинг бизгача сақланиб қолмаган асарларида мавжуд бўлган қимматли маълумотларни келажак авлодларга етказди. Ислом фалсафасидаги йирик йўналишлардан бири тасаввуф бўйича йўлчи юлдуз вазифасини бажараётган диний алломаларимиз Абдулхолиқ Ғиждувоний (1103-1179), Нажмиддин Кубро (1145-1221), Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389), Хожа Ахрор Валий (1404-1495)



каби авлиёларнинг динийлик ва дунёвийликни баробар олиб бориш, ҳалол меҳнат билан кун кечириш, ўз ҳалқи, ватани учун фидойилик каби ғоя ва таълимотлари ҳозирга қадар ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Юқорида зикр этилган соҳалар бўйича илм-фаннынг ўлкамизда тараққий топиши ва шу минтақанинг қадимий бой маданий-маънавий, иқтисодий имкониятлар заҳирасига эга бўлганини кўрсатади. Қайд этилган айрим далиллар ҳам ислом илмлари ва мусулмон маданияти ривожига Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг қўшган ҳиссаси нечоғлик салмоқли бўлганини тасаввур қилиш имконини беради. Жаҳон маданиятига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган аждодларимиз таваллудларини нишонлаш мустақиллик туфайли изчил анъанага айланди. Истиқлол шарофати билан алломаларимиз тавваллуд саналари нишонланди ва нишонланмоқда. Буюк диний уламо ва мутафаккирларнинг юбилейлари мунтазам ўтказилиб, мақбаралари таъмирдан чиқарилиб ҳалқимизнинг зиёратгоҳига айлантирилмоқда. Диний қадриятларнинг тикланиши фақат ислом динига эътиқод қилувчиларгагина тааллуқли бўлиб қолмасдан, балки мамлакатимиздаги барча бошқа динларга ҳам бирдек тааллуқлидир. Республикаизда маънавий ҳаёт тўла қонли ва жуда ранг-баранг кечаётганлигини шоҳиди бўлиб турибмиз. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида дин соҳасидаги сиёsat ўзининг илмий асосланганлиги, қонунийлиги, дунёвийлиги, инсон ҳуқуқлари таъминланганлиги ва демократиялилиги билан тубдан ажralиб туради. Динларнинг келиб чиқиши бир, аммо башарият турли динларга эътиқод қиласи, ҳатто бир ҳалқ, миллат ҳам турли диний таълимотларга ишонадиган ва эргашадиган ҳоллар мавжуд. Масалан, татарлар бир қисми христианлик динига, бир қисми ислом динига эътиқод қиласи. Шуни таъкидлаш жоизки, барча динларда эзгулик ғоялари устивор “яҳшилик қил, ёмонлик қилма” демаган бирорта диний таълимот йўқ.

Биз юқорида ислом динига эътиқод қилувчиларнинг диний қадриятлари тикланиши ва диний арбоблар, алломалар, уламолар, мутафаккирларнинг таваллудлари ҳақида сўз юритдик. Лекин буни янада тўлдиришга тўғри келади, чунки ватанимизда исломдан ташқари яна 16 та диний конфесиялар йўналишлар, мазхаблар ва гурухлар мавжуд ва улар барчаси тенг бўлиб тенг ҳуқуқлилик асосида фаолият кўрсатадилар. Шунинг учун ҳам биз улар ҳақида маълумот беришни лозим деб топдик. Рус Православ черкови (йўналиши) Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 125 йиллиги муносабати билан 1996 йил 9-12 ноябрь кунлари тантанали тадбирлар ўтказилди. Тантаналарда черков тарихида илк бор Москва ва Бутун Рус Патриархи Алексий II Марказий Осиё худудига ташриф буюорди[3]. 1996 йил 17 декабрь куни Ўзбекистон Евангельлютеран жамоаси Марказий Осиёдаги ягона лютеран Кирхасининг 100 йиллигини нишонлади. 2001 йил 25-26 ноябрь кунлари Рус Православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясининг 130 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиши ва илмий конференция ўтказилди. 2002 йил 30 май куни Навоий шаҳрида Рус православ черковининг тантанали очилиши маросими бўлди.

2002 йилда Рим католик черкови католикликнинг Марказий Осиёда қайта тикланганлигига 100 йил тўлиши муносабати билан байрам тадбирлар ташкил этди. 2003 йил 5 октябрь куни Самарқанд шаҳрида Арман Апостоллик черкови курилганлигининг 100 йиллигига бағишланган тантаналар ўтказилди. Ўтган йиллар мобайнида ҳалқимизнинг маънавий бойлиги бўлган ноёб манбаларни тизимли ўрганиш йўлга қўйилди. Уларнинг натижаси ўлароқ Имом Бухорийнинг хадислар



тўплами 4 жилда Бурхониддин Марғилонийнинг “Ал-Хидоя” асари, Имом ат-Термизийнинг “Сунан ат-Термизий” асарлари ўзбек тилида илк бор нашр этилди.

Ислом динининг муқаддас китоби Қуръони Карим маъноларининг ўзбек тилига таржимаси ҳақида қисқача тўхталамиз. Шуни таъкидлаш ўринлики, Қуръон 650-651 йиллари ҳалифа Усмон ибн Аффон даврида пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)нинг шахсий котиби ва асранди ўғли Собит ибн Зайд бошчилигига китоб ҳолига келтирилди ва ундан тўргт нусха тайёрланди. Ана шу тўргт нусҳанинг биттаси Тошкентда Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасида сақланади. У “Усмон мусҳафи” деб аталади, чунки мазкур нусха ҳалифа Усмонга тегишли эди. Бу муқаддас китобни бизнинг диёримизга келиб қолиши ҳақида турли қарашлар мавжуд. Даил шуки, Амир Темур тифайли бу муқаддас китоб Ўзбекистонга келиб қолган. 2007 йил 8 июнь қуни Вазирлар Маҳкамасининг “Усмон Мусҳафи” талаб даражасида сақлашни таъминлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинди.

Қуръони Карим ҳозирги пайтда кўпчилик ўқувчиларнинг фикр мулоҳазалари эътиборга олиниб, Ўзбекистон мусулмонлари Диний идораси ташаббуси билан ўзбек тилига 2 марта[4] нашр этилди. Айтиш мумкинки, бу таржималар сўзма-сўз қилинган таржималар эди. Кейинчалиқ, 2005-2008 йиллар оралиғида Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг “Тафсири ҳилол” номли 6 томдан иборат Қуръон оятларининг таржима ва изоҳлари китоби нашрдан чиқди.

“Қуръони карим маъноларининг таржимаси” китобининг она тилимизда чоп этилиши итимоий, маданий, маънавий ва маърифий ҳаётимизда ва руҳоний турмушимизда муҳим тарихий аҳамиятга молик воқеадир. Бу ҳодиса маданиятимиз ва маънавиятимизни янада бойишига, ривожланишига улкан хисса бўлиб ҳизмат қилишига шубҳа йўқдир.

Маълумки, истиқлол йилларида бу муқаддас китобнинг таржима ва тафсири жуда қўп нусхада нашр этилган. Масалан, биринчи таржима аввал “Шарқ юлдузи” журналида босилиб кейин “Чўлпон нашриётида 1992 йили беш юз минг ададда чоп этилган. Бу таржима ва тафсирнинг нашр қилиниши мамлакатимизда ҳақиқий диний эътиқод эркинлиги таъминлаш борасида амалга оширилган биринчи қадам бўлди, десак ҳато қилмаган бўламиз.

## Адабиётлар

1. Ислом: Бағрикенглик Ва Мутаассиблиқ.Т.: 1998. Б. – 23.
2. Ҳусанов С. Жуманиёзов. Х. Миржавҳарова. Д. Диний Экстремизм Ва Терроризмга Қарши Курашнинг Маънавий-Маърифий Асослари.Т.: 2005. Б – 34.
3. Тожиев.Х. Миллий Мағкуранинг Назарий Ва Методологик Масалалари.Т.: “Меҳнат”, 1999. Б – 13.
4. Arzimatova, I. (2021). Innovative Activity Of Pedagogy. Current Research Journal Of Pedagogics, 2(06), 122-126.
5. Алоуддин Мансур Таржимаси, Т.: 1992, Абдуллазиз Мансур Таржимаси, Т.: 2001
6. Arzimatova, I. M. (2021). The Role Of The Family Environment In Personal Education. International Journal Of Culture And Modernity, 10, 13-17.



7. Arzimatova, I. M., & Muminov, J. (2021). Information Of The Educational Process And Education Of A Developed Generation. *The American Journal Of Interdisciplinary Innovations Research*, 3(04), 36-41.
8. Arzimatova, I. (2019). Art Industry Development Of Society And Society Culture. *Scientific Bulletin Of Namangan State University*, 1(1), 129-134.
9. Arzimatova, I. M. (2020). Spiritual Culture Of Personality And Artistic And Aesthetic Changes. *Scientific Bulletin Of Namangan State University*, 2(11), 160-165.
10. Normatova, D. E. (2019). Peculiarities Of Anthropocentrism And Humanism Of The Socio-Philosophical Thought Of Western Europe In The Era Of Renaissance. *Scientific Bulletin Of Namangan State University*, 1(5), 168-173.
11. Arzimatova, I. A. Aesthetical Essence Of Labor In Personal Development.
12. Arzimatova, I., & Tursunov, B. (2021). The Role Social Factors In The Spiritual Development Personality. *Scientific Bulletin Of Namangan State University*, 2(2), 163-170.
13. Normatova, D. E. (2019). The Social And Moral Views Of Michelle Eckem De Monten. *Scientific Bulletin Of Namangan State University*, 1(10), 184-187.
14. Normatova, D. E. (2021). Attitudes Towards Moral Heritage In The History Of Central Asia. *Oriental Journal Of Social Sciences*, 11-16.
15. Arzimatova, I. (2019). Aesthetic Education, Its Features And Structure. *Scientific Bulletin Of Namangan State University*, 1(6), 219-222.
16. Normatova, D. E. (2021). Attitudes Towards Moral Heritage In The History Of Central Asia. *Oriental Journal Of Social Sciences*, 11-16.
17. Arzimatova, I. M. (2022). Relationship Of Aesthetic Culture And Spirituality Of Personality. *The American Journal Of Applied Sciences*, 3(02), 100-104.
18. Normatova, D. (2022). Methods, Factors And Directions Of Moral Education. *International Journal Of Culture And Modernity*, 14, 86-91.
19. Normatova, D. (2021). Issues Of Man And Humanism In Renaissance Literature And Art In Europe. *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 1865-1871.
20. Arzimatova, I. M. (2021). Women's Rights In Government Of A Democratic Society. *Eurasian Scientific Herald*, 2, 23-27.
21. Arzimatova, I. (2022). The Main Aspects Of The Moral And Aesthetic Culture Of The Leading Cadres In The New Stage Of Development Of Society. *Oriental Journal Of Social Sciences*, 2(1), 63-72.